


XIX. ТАЪЛИМ


Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тизими

Ўзбекистон Республикасида 2018/2019 ўқув йили бошида жами умумтаълим муассасалари сони 9774 тани ташкил этиб, улардан 6044 таси (62%) қишлоқ жойларида, 3730 таси (38%) шаҳарларда жойлашган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таълим муассасалари сони 0,6 фоизга ошди (56 та).

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши, бирлик




**Умумтаълим муассасалари сони
– 9774, улардан:**




Ўзбекистон Республикасида умумтаълим муассасалари уч турга бўлинади: бошланғич, умумий ўрта ва бошқалар. 2018/2019 ўқув йили бошига умумтаълим муассасаларининг умумий сонидан 9648 таси умумий ўрта таълим мактаблари, 37 таси бошланғич мактаблар ва 89 таси бошқа муассасалар. Умумий ўрта таълим муассасаларида жами 5819,7 минг киши, бошланғич таълим муассасаларида 6,6 минг киши ва бошқа таълим муассасаларида 21,0 минг киши таълим олмоқда.


Турлари бўйича умумтаълим муассасалари сони, бирлик



Умум таълим муассасаларида синф гуруҳлари бўйича ўқувчилар сони, минг киши



Умумтаълим муассасаларидаги жами ўқувчилар сони ва 9-синфни битирганларнинг ҳудудлар кесимида тақсимланиши, минг киши




Сменалар бўйича машғулот олиб борадиган муассасалар улуши, %




2018/2019 ўқув йили бошига (жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун мактабларни ҳисобга олмаган ҳолда) барча таълим муассасаларидан, бир сменада фаолият юритадиганлари 1960 та (20,2%), икки сменада 7694 та (79,6%), уч сменада 19 та (0,2%)ни ташкил этади. Таъкидланганидек, бир сменали муассасаларда 3800,7 минг ўқувчи (65,2%), икки сменалида 2021,0 минг ўқувчи (34,7%), уч сменали муассасаларда 4,5 минг ўқувчи (0,1%) таҳсил олмоқда.

Умумтаълим муассасалари машғулотларининг сменалилиги¹⁾



¹⁾ Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун мактабларисиз

**Худудлар кесимида умумий таълим муассасаларида
ўқитувчиларнинг улуши¹⁾, %**



1) ўриндошларсиз

2018/2019 ўқув йили бошига жами ўқитувчилар сони 444,2 минг нафарни (ўриндошларсиз) ташкил этиб, улардан 54 фоизи қишлоқ мактабларида, 46 фоизи эса шаҳар мактабларида фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистонда битта ўқитувчига ўртача 13 нафар ўқувчи тўғри келади.




Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб-хунар таълими

2018/2019 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасида 1537 та ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари фаолият юритмоқда. Улардан академик лицейлар сони 123 тани ва касб-хунар коллежлари сони - 1414 тани ташкил этди.



Маълумот учун: 2017/2018 йиллар бошига 1556 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари мавжуд бўлиб, улардан 123 таси академик лицей ва 1433 та касб-хунар коллежлари ташкил қилган.

Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг 2016 / 2017-2018 / 2019 ўқув йилларда динамикаси, бирлик




2018/2019 ўқув йили бошига ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларининг умумий сонидан, академик лицейлар улуши 8,0 % ни ташкил этади, касб-хунар коллежлари эса 92,0 % ни ташкил этади.


Маълумот учун: 2016/2017 ўқув йили бошига академик лицейларнинг улуши 9,2 % ни, касб-хунар коллежлари эса 90,8% ни ташкил этган.

Худудлар кесимида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг сони, бирлик

(2018/2019 ўув йили бошига)




Ўзбекистон Республикасида 2018/2019 ўқув йили бошига 123 та академик лицейларда 70,8 минг нафар ўқувчи таҳсил олаётган бўлиб, 31,6 минг нафар ўқувчи таълим муассасаларини битирди. 2017/2018 ўқув йилининг бошида эса 123 академик лицейларда, 85,3 минг нафар ўқувчи таҳсил олган ва 32,7 минг нафар ўқувчи битирган.



Академик лицейлар ўқувчилари ва битирувчилар сони,

минг киши (2018/2019 ўқув йили бошига)




2018/2019 ўқув йили бошига




Ўзбекистон Республикасида 2018/2019 ўқув йили бошига 1414 та касб-хунар коллежлари фаолият юритмоқда, уларда 656,3 минг нафар ўқувчи тахсил олаётган бўлиб, 454,9 минг нафар ўқувчи таълим муассасаларини битирди.

Худудлар кесимида касб-унар коллежларининг сони, бирлик
(2018/2019 ўув йилининг бошида)




Касб-хунар коллежларининг умумий сонидан энг катта улуш Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент шаҳарлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг кам улуш эса Навоий, Сирдарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

Худудлар кесимида касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва битирувчилари сони, минг киши (2018/2019 ўқув йилининг бошига)



Касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида қизларнинг улуши 49,9%, ўғил болалар 50,1% ни ташкил этди. Битирувчилар умумий сониди, ўғил болаларнинг улуши 50,7% ни, қизлар эса 49,3% ни ташкил этади.


**Касб-хунар коллежларида талим олаётган ўқувчиларнинг жинси бўйича тақсимланиши,%
(2018/2019 ўқув йили бошига)**



2018/2019 ўқув йили бошига касб-хунар коллежлари ўқитувчилари сони 44,0 минг кишини ташкил этди, улардан 41,0 минг нафари олий маълумотли ва 3,0 минг нафари ўрта махсус маълумотга эга.

Маълумот учун: 2017/2018 ўқув йили бошига касб-хунар коллежларида 73,1 минг ўқитувчи қайд этилган бўлиб, улардан 68,6 минг нафари олий маълумотли ва 4,4 минг нафари ўрта махсус маълумотга эга бўлган.


2018/2019 ўқув йили бошига




Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг асосий кўрсаткичлари

2018 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида (олий ҳарбий билим юртларидан ташқари) 78 та олий таълим муассасалари ва 20 та филиаллар фаолият юритмоқда.

2018/2019 ўқув йилида қабул қилинган талабаларнинг ҳудудлар кесимида тақсимланиши



**Таълим йўналишлари бўйича бакалавр босқичида
таълим олаётган жами талабалар, %**



2018-йилда бакалавр даражасига эга бўлган талабалар сони 66594 нафарни ташкил этиб, уларнинг 19105 нафари давлат грантлари асосида таълим олган. 2018 йилда бакалаврият босқичини битирганларнинг 25566 нафарини қизлар (38.4%) ташкил этади.

Бакалаврият босқичи битирувчиларининг 43,8 фоизи гуманитар соҳа, 10,7 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ йўналиши, 28,0 фоизи ишлаб чиқариш ва техника соҳаси, 7,4 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги йўналиши, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналиши, 5,6 фоизи хизматлар соҳаси бўйича битирган.

Олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига талабалар қабули


2018/2019 ўқув йили учун магистратурага қабул қилинган жами 5725 нафар талабалардан 27,2 фоизи (1555 нафари) давлат гранти асосида, 72,8 фоизи (4170 нафари) тўлов шартнома асосида қабул қилинди. Ҳар 100 та ўринга ўртача 236 та ариза топширилган.



Олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таълим олаётган талабаларнинг таълим соҳалари бўйича тақсимланиши

Магистратура босқичида таълим олаётган жами талабалар сони 11,647 нафарни ташкил этиб, улардан 34,9 фоизи гуманитар соҳада, 19,8 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ соҳаси бўйича, 21,7 фоизи ишлаб чиқариш ва техник соҳада, 4,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислиги бўйича, 16,0 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳаси бўйича, 2,7 фоизи хизматлар соҳасида таълим олмоқда.

Олий ўқув юртлари магистратурада таҳсил олаётган талабаларнинг таълим соҳалари бўйича тақсимланиши, %



2018/2019 ўқув йили бошига олий таълим муассасаларида 360,2 минг нафар талаба тахсил олмоқда, улардан 159,4 минг нафарини қизлар ташкил этади. Талабаларнинг 22,1 фоизи давлат грантлари асосида, 77,9 фоизи тўлов-шартнома асосида тахсил олмоқда.

2018 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра олий ўқув юртларида талабаларнинг жинси бўйича тақсимланиши қуйидагича:

**Олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларнинг
жинси бўйича тақсимланиши, %**

